



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2026
1-сон



SERVIS

ILMIY-AMALIY JURNAL 2026 yil, 1-soni

Muassis: Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2008 yil 31 dekabrda
0561-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

O‘zR OAK Riyosatining 19.03.2017 y., 239/5-sonli qarori bilan e‘tirof etilgan

Tahririyat a‘zolari:

Mas‘ul kotib:

i.f.d., prof. M.Q.Pardaev

Muharrirlar:

i.f.d., dotsent F.A.Safarov
PhD, dotsent I.M.Pardaeva
PhD, I.Sh.Ernazarova

Texnik muharrir:

katta o‘qituvchi F.O.O‘roqov

Korrektor:

PhD, dotsent v.b.
T.I.Yahyoyev

Sahifalovchi:

PhD, dotsent v.b.
H.N.Ochilova

1 yilda 4 marotaba
chop etiladi.

**O‘zbekiston hududida
tarqatiladi.**

Tahririyat manzili:

140100, Samarqand shahar,
Amir Temur ko‘chasi, 9-uy,

tel.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

faks: +998(366)231-12-53
el.pochta:

samisiservis@mail.ru

Tahrir hay‘ati raisi:

M.E.Po‘latov – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti rektori,
i.f.d., professor

Tahrir hay‘ati raisi o‘rinbosari:

M.Q.Pardayev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

Tahrir hay‘ati a‘zolari:

M.M.Muxammedov – SamISI professori, iqtisod fanlari
doktori

D.R.Zaynalov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

O.M.Murtazayev – TDIUSF direktori, iqtisod fanlari doktori,
professor

M.R.Boltabayev – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

R.X.Ergashev – QarMII professori, iqtisod fanlari doktori

B.K.G‘oibnazarov – iqtisod fanlari doktori, professor

I.S.To‘xliyev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

K.B.Urazov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

Q.J.Mirzayev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

B.I.Isroilov – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

G.M.Shodiyeva – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

S.N.Toshnazarov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

R.N.Normaxmatov – SamISI professori, texnika fanlari doktori

A.Bektemirov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

O.M.Pardayev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

M.T.Alimova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

Z.Dj.Adilova – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

Sh.O.Quvondiqov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

L.N.Xalikova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

F.A.Safarov – SamISI dotsenti, iqtisod fanlari doktori

A.M.Karimova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

I.B.Mattiyev – SamISI professori, pedagogika fanlari doktori

B.F.Boronov – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

A.N.Xoliqulov – SamISI professori, iqtisod fanlari nomzodi

X.A.Raximov – SamISI dotsenti, PhD

S.A.Babanazarova – SamISI dotsenti, PhD

H.N.Ochilova – SamISI dotsenti v.b., PhD

I.R.Berdikulova – SamISI dotsenti v.b., PhD

A.Q.G‘apparov – SamISI dotsenti v.b., PhD

Xurshid Azamatovich Yunusov Tadbir va ko‘ngilochar xizmatlarni rivojlantirishda marketing strategiyalaridan foydalanish	154
Hamdam Iris o‘g‘li Allayorov Logistika axborot oqimlarini sun‘iy intellekt asosida optimallashtirish	159
Nodirjon Fayzullayevich Bekbutayev Monopoliyaga qarshi siyosatni amalga oshirishda davlat organi va hududiy boshqarmalar faoliyatining samaradorligi	163
Bekzodjon Sheraliyevich Oblakulov Improving private education customer loyalty and brand trust through the implementation of digital marketing strategies	167
Sadulla Shodiyevich Urazov, Laylo Obidjon qizi Abduraxmanova Ta‘lim muassasalarida tashkiy tuzilmaning boshqaruv samaradorligiga ta‘siri	170
MOLIYA, PUL MUOMALASI VA KREDIT	
Nuriddin Elamonovich Ernazarov Aksiz solig‘ining byudjeti daromadlarini shakllantirishdagi muammolar	174
Шавкат Собирович Олтаев Рақамли иқтисодиёт шароитида суверен фондларни самарали бошқариш масалалари	177
Madina Sanjar qizi Khotamkulova Corporate efficiency as a financial market participant	181
BUXGALTERIYA HISOBI, IQTISODIY TAHLIL VA AUDIT	
Komil Vaxromovich Urazov, Qahramon Hamidovich Vaxobov Pochta xizmatlarini ko‘rsatuvchi korxonalar xarajatlari hisobining o‘ziga xos xususiyatlari	186
Ortiq Eshnazarovich Ernazarov Xizmatlar sohasini chiziqli ekonometrik modellashtirish asosida tahlil qilish va prognozlashtirish	191
Тўлқин Исматулла ўғли Яхёев Қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарда 15 сон МХХС асосида даромадларни тан олиш	198
Jamshidbek Axmad ug‘li Abdurasulov Korxonalarni qayta tashkil etishning o‘zgartirish shaklida buxgalteriya hisobi va hisobotini MHXS asosida takomillashtirish	202
TA‘LIM, KADRLAR TAYYORLASH VA PEDAGOGIKA	
Умар Худайбердиев Мактабгача ва мактаб таълими - илм ва муваффақият калитидир	209
Bexzod Nematillayevich Gapparov OTM kichik guruhlarda temperamentga yo‘naltirilgan pedagogik model	212
Iltom Begmatdulobovich Mattiyev Chet tillarni o‘rganishda pedagogik texnologiyalarning o‘rni	216
Anvar Maxkamovich Soatov Talabalar temperamentiga mos akademik yuklama taqsimotining samaradorligi	221
E‘TIBORGA MOLIK MASALALAR	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Рамазон луғати Бахт нима?	225

Шавкат Собирович Олтаев – СамИСИ доценти, и.ф.н.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА СУВЕРЕН ФОНДЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида суверен фондларни самарали бошқариш масалалари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда суверен фондларнинг жаҳон молия тизимидаги ўрни, уларнинг инкирозга қарши восита сифатидаги аҳамияти ҳамда миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришдаги роли ёритилган. Шунингдек, суверен фондлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда қўлланиладиган асосий принциплар, маблағларни шакллантириш ва фойдаланиш қоидалари, инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда бошқарув самарадорлигини таъминлаш механизмлари асослаб берилган. Илғор хорижий тажриба таҳлили асосида суверен фондларни бошқаришда риск ва даромадлилик ўртасидаги оптимал нисбатни таъминлаш, шаффофлик ва ижтимоий жавобгарлик тамойилларининг аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, суверен фондлар, давлат инвестициялари, молия бозори, инвестиция стратегияси, риск ва даромадлилик, шаффофлик, ижтимоий жавобгарлик.

Кириш. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида кечаётган чуқур глобал трансформациялар шароити суверен фондлар масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Бир томондан, улар йирик молиявий ресурслар жамланмаси сифатида намоён бўлса, иккинчи томондан, халқаро молия бозорларида фаол иштирок этувчи энг салмоқли институтлардан бири ҳисобланади. Инкирозли даврларда суверен маблағлардан фойдаланиш давлат бюджетига юзага келадиган даромадлар қисқаришини юмшатиш, молия бозорларида барқарорликни сақлаш, ҳукуматнинг кредит-молия тизимида етарли ликвидликни таъминлаш ҳамда аҳоли истеъмол фаоллиги ва ишончини тиклашда муҳим антикризис механизми сифатида хизмат қилмоқда. Амалдаги тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда суверен фондлар жаҳоннинг элликдан ортиқ мамлакатларида, жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам, иқтисодиётга давлат таъсирини амалга оширишнинг самарали молиявий воситаси сифатида ўз ўрнини мустақамлаб улгурган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётни жадал суръатларда ривожлантириш, йирик инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда замонавий, юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш қувватларини яратишда суверен фондлар муҳим молиявий институт сифатида майдонга чиқмоқда. Ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга лойиҳаларни хорижий инвестициялар билан уйғун ҳолда молиялаштиришда ушбу фондлар ўз маблағлари орқали инвестицион ва инновацион фаолликни кучайтирувчи асосий омилга айланган. 2022 йил ҳолатига кўра, жаҳоннинг элликдан ортиқ мамлакатларида юздан зиёд суверен фондлар фаолият юритиб, улар ихтиёридаги умумий капитал ҳажми 10,1 триллион АҚШ долларидан ошиб кетган[11]. Суверен фондларнинг ҳудудий тақсимотига эътибор қаратилса, уларнинг 19,05 % (28 та) Яқин Шарқ давлатларига, худди шунча улуш Осиё минтақасига тўғри келади. Шу билан бирга, Африка мамлакатлари 17,69 % (26 та), Европа 15,64 % (23 та), Шимолий Америка 12,93 % (19 та), Лотин Америкаси 9,52 % (14 та) ҳамда Австралия ва Тинч океани ҳудудлари 6,1 % (9 та) улушни ташкил этмоқда.

Ҳозирги босқичда давлатлар ўз миллий иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш орқали жаҳон иқтисодий маконида рақобатбардош ўрин эгаллашга интилаётгани кузатилмоқда. Турли мамлакатларда суверен фондларни ташкил этиш жараёнларининг фаоллашуви, уларнинг молиявий қўлами ҳамда фаолият олиб бориш ҳудудларининг изчил кенгайиб бориши мазкур институтларнинг вужудга келиши ва иқтисодий аҳамиятини янада оширмоқда. Айниқса, суверен фондларнинг айрим давлатларда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни қўллаб-қувватловчи амалий молиявий механизм сифатида фаол иштирок этиши уларни самарали бошқариш масаласини долзарб йўналишга айлантормоқда.

Республикамизда иқтисодиёт тармоқларида юқори ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йил давомида аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажмини 1,6 баробарга ошириш, 2030 йилга бориб эса аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан юқори даражага етказиш ҳамда мамлакатни «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» тоифасига киритиш стратегик мақсад

сифатида белгиланган [1].

Маълум бир давлатда суверен фонд маблағларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби кўп қиррали омилларнинг таъсирига боғлиқ бўлади. Жумладан, табиий-иқлим шароитлари, мамлакатнинг умумий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, демографик ҳолат, пул-кредит ва бюджет сиёсатини амалга ошириш самарадорлиги, шу билан бирга фонднинг институционал хусусиятлари ва юклатилган вазифалари ушбу жараёнга бевосита таъсир кўрсатади. Ривожланаётган давлатларда ишлаб чиқариш таркибининг етарлича диверсификация қилинмагани ва иқтисодиётнинг хомашё ресурсларига юқори даражада боғлиқлиги инқирозли вазиятларда суверен фондлардан фойдаланиш заруратини кучайтиради. Айрим мамлакатларда, хусусан, Хитой ва “Сингапур”да суверен фондларнинг шаклланиши экспорт ҳажмларининг тезда ўсиши ҳамда ташқи бозорларга юқори даражада йўналтирилган иқтисодий модель билан изоҳланади.

Фотак ва бошқалар [2] олиб борган тадқиқотларда стратегик мувофиқлик тамойили суверен фондлар олдида қўйилган мақсад ва вазифалар солиқ-бюджет ҳамда пул-кредит сиёсати билан ўзаро уйғун ҳолда, шунингдек, мамлакатнинг узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиялари билан боғлиқ бўлиши лозимлигини назарда тутди.

Жуманиязов [3] тадқиқотларида маблағларни шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг тўлиқлиги принципи давлат бюджети даромадларининг конъюнктурага юқори даражада боғлиқлигини камайтириш мақсадида барча конъюнктура даромадларини яхлит ҳолда бошқариш зарурлигини ифода этади. Фотак ҳамда айрим тадқиқотчилар [2] фикрича бошқарувда мақсадларни аниқ белгилаш тамойили суверен фондлар фаолияти олдиндан белгилаб қўйилган, очик ва тушунарли вазифаларга эришишга қаратилган бўлиши шартлигини аниқлатади. Самарали бошқарув принципи эса белгиланган мақсадларга тежамли ва оқилона эришишни таъминлаш учун бошқарув субъектларининг жавобгарликлари ва ваколатлари аниқ тақсимланган, шаффоф ҳамда институционал жиҳатдан барқарор бошқарув тузилмасини шакллантиришни талаб қилади.

Жуманиязов [4] тадқиқотлари асосида ижтимоий жавобгарлик тамойили суверен фонд маблағларидан фойдаланиш жараёнида асосий манфаатдор томон ҳисобланган аҳоли қатламларининг эҳтиёжлари ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсат мақсадлари устувор ҳисобга олиниши лозимлигини билдиради. Самарали инвестициялаш принципи [5] суверен фонд ресурсларини олдиндан ишлаб чиқилган инвестиция стратегияларига мувофиқ равишда, эҳтимолий инвестиция рискларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш зарур.

Тадқиқот методологияси. Суверен фондларни рақамли иқтисодиёт шароитида самарали бошқариш масалаларини ўрганишда комплекс илмий ёндашув қўлланилди. Тадқиқот методологияси сифат жиҳатдан таҳлилий ҳамда қиёсий усулларга, шунингдек, иқтисодий-статистик кузатув ва тизимли таҳлил методларига таянади. Аввало, суверен фондлар фаолиятига оид илмий-назарий манбалар, халқаро молиявий ташкилотлар ҳисоботлари ҳамда хорижий мамлакатлар амалиётини ёритувчи очик маълумотлар таҳлил қилинди. Ушбу жараёнда жаҳон амалиётида қўлланилаётган бошқарув моделлари, инвестиция стратегиялари ва институционал тузилмалар ўрганилди ҳамда уларнинг рақамли иқтисодиёт шароитидаги трансформациясига алоҳида эътибор қаратилди. Қиёсий таҳлил усули орқали суверен фондларнинг турли мамлакатлардаги ташкил этилиш ва бошқарилиш хусусиятлари солиштирилди. Бунда ресурсга боғлиқ ва ресурсга боғлиқ бўлмаган иқтисодиётлардаги суверен фондлар фаолияти ўртасидаги фарқлар аниқланди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида суверен фондларни бошқаришда давлат сиёсатининг ўрни ва таъсири баҳоланди. Тизимли ёндашув суверен фондларни молия-бюджет, пул-кредит сиёсати ва миллий ривожланиш стратегиялари билан ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш имконини берди. Риск ва даромадлилик кўрсаткичлари ўртасидаги нисбатни баҳолашда иқтисодий моделлаштириш элементларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, рақамли иқтисодиёт шароитида суверен фондларни бошқариш жараёни анъанавий молиявий механизмлар билан чекланиб қолмай, ахборот технологиялари ва рақамли платформалар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланмоқда. Айниқса, инвестиция қарорларини қабул қилишда катта ҳажмдаги маълумотларни (Big Data) қайта ишлаш, рискларни прогноз қилиш ва активлар самарадорлигини баҳолаш имкониятлари кенгайиб бормоқда. Халқаро амалиёт таҳлили

суверен фондлар инвестиция портфелларида диверсификация даражасининг ошиши кузатилаётганини кўрсатди. Кўпгина фондлар анъанавий молиявий активлар билан бир қаторда инновацион тармоқлар, рақамли технологиялар, “яшил иқтисодиёт” ва инфратузилмавий лойиҳаларга инвестицияларни фаол равишда йўналтирмоқда. Бу эса узоқ муддатли барқарор даромад манбаларини шакллантириш имконини яратмоқда. Таҳлил жараёнида аниқландики, суверен фондлар бошқарув самарадорлиги кўп жиҳатдан институционал тузилманинг шаффофлиги, ҳисобот юритиш тизимининг очиклиги ҳамда профессионал бошқарув кадрларининг мавжудлигига боғлиқ. Рақамли инструментларни жорий этиш орқали инвестиция жараёнлари устидан мониторингни кучайтириш, рискларни ўз вақтида аниқлаш ва бошқарув қарорларининг сифатини ошириш мумкин. Республикамиз мисолида суверен фонд фаолияти таҳлили асосида миллий ривожланиш устувор йўналишларига мос инвестицияларни молиялаштиришда суверен фондлар муҳим восита ҳисобланади. Бироқ рақамли бошқарув элементларини кенг жорий этиш фонд маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин.

Рақамли иқтисодиёт шароитида суверен фондларни самарали бошқариш инвестиция қарорларининг илмий асосланганлиги ва маълумотларга таянган ҳолда қабул қилинишига боғлиқ эканлиги исботланди. Рақамли технологиялардан фойдаланиш риск ва даромадлилик ўртасидаги мувозанатни таъминлаш имкониятларини кенгайтиради. Суверен фондлар фаолиятида шаффофлик ва ҳисобдорликни ошириш инвестицион жозибдорликни кучайтириши ҳамда жамоатчилик ишончини мустаҳкамлаши аниқланди. Бу, ўз навбатида, фонд маблағларини узоқ муддатли стратегик мақсадларга йўналтириш учун қулай институционал муҳит яратади. Суверен фондларнинг миллий иқтисодиёт ривожига роли фақат молиявий барқарорликни таъминлаш билан чекланмасдан, иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилиш, инновацион фаолликни рағбатлантириш ва инсон капиталини ривожлантиришга хизмат қилиши белгиланди. Тадқиқот натижалари суверен фондларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш учун комплекс мезонлар тизимини қўллаш зарурлигини кўрсатди.

Шунингдек, мустақиллик тамойили суверен фондлар маблағларини шакллантириш, улардан фойдаланиш ва инвестиция қарорларини қабул қилиш жараёнларини сиёсий конъюнктура таъсиридан ҳоли ҳолда амалга оширишни назарда тутди. Шаффофлик принципи эса суверен фондлар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни очик тақдим этиш орқали инвесторлар ва жамоатчилик ишончини мустаҳкамлашга қаратилган.

Юқорида баён этилган тамойилларга таянган ҳолда суверен фондлар фаолиятини ташкил этиш ва уларни бошқариш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатади. Бироқ мазкур таъсирнинг самарадорлиги, аввало, суверен фондлар тизимида профессионал бошқарув механизмларининг қай даражада йўлга қўйилгани билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. Суверен фондлар маблағларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиб-қоидаларини белгилаш деганда, фонд олдида қўйилган мақсад ва вазифалар доирасида молиявий ресурсларни тўлиқ жамлаш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминловчи меъёрий механизмларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш тушунилади.

Хулоса ва таклифлар. Ушбу тадқиқот рақамли иқтисодиёт шароитида суверен фондларни самарали бошқариш масалаларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилишга қаратилган бўлиб, олинган натижалар суверен фондларнинг миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда муҳим стратегик институт эканини тасдиқлайди. Глобал иқтисодий трансформациялар ва рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши шароитида суверен фондлар фаолияти анъанавий молиявий ёндашувлар билан чекланиб қолмасдан, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан уйғунлашган ҳолда ташкил этилиши зарурлиги аниқланди. Айниқса, инвестиция қарорларини қабул қилишда маълумотларга асосланган ёндашувни жорий этиш риск ва даромадлилик ўртасидаги мувозанатни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижалари суверен фондларни бошқариш самарадорлиги кўп жиҳатдан институционал тузилманинг шаффофлиги, бошқарув жараёнларининг мустақиллиги ҳамда профессионал кадрлар салоҳиятига боғлиқ эканини кўрсатди. Рақамли иқтисодиёт шароитида Big Data, иқтисодий моделлаштириш ва прогнозлаш инструментларидан

фойдаланиш орқали инвестиция портфелларини оптимал шакллантириш, активлар самарадорлигини баҳолаш ва рискларни олдиндан аниқлаш имкониятлари кенгаймоқда. Шу билан бирга, суверен фондлар фаолиятида ҳисобдорлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш инвестицион жозибadorликни ошириш ҳамда жамоатчилик ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилиши асосланди.

Олиб борилган таҳлиллар асосида қуйидаги илмий-амалий таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланади. Биринчидан, суверен фондлар фаолиятини бошқаришда ягона рақамли ахборот платформаларини жорий этиш орқали инвестиция жараёнлари устидан доимий мониторингни таъминлаш ва бошқарув қарорларининг сифатини ошириш лозим. Иккинчидан, инвестиция стратегияларини ишлаб чиқишда маълумотларга асосланган ёндашувни кенг қўллаш, сунъий интеллект ва прогнозлаш моделларидан фойдаланиш суверен фондлар активларининг узоқ муддатли даромадлигини таъминлайди. Учунчидан, суверен фондларнинг институционал мустақиллигини кучайтириш, сиёсий омиллар таъсирини чеклаш ҳамда профессионал бошқарув кадрларини жалб этиш фондлар фаолияти самарадорлигини оширади.

Тўртинчидан, суверен фондлар фаолиятида шаффофлик ва ҳисобдорликни халқаро стандартлар асосида таъминлаш, молиявий ва инвестиция ҳисоботларини очиқ эълон қилиш орқали жамоатчилик ва инвесторлар ишончини мустаҳкамлаш зарур. Бешинчидан, суверен фонд маблағларини инновацион тармоқлар, рақамли технологиялар, “яшил иқтисодиёт” ҳамда инфратузилмавий лойиҳаларга йўналтириш миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур тадқиқотда илгари сурилган илмий хулоса ва таклифларни амалга ошириш рақамли иқтисодиёт шароитида суверен фондларни бошқаришнинг институционал ва технологик асосларини мустаҳкамлаб, уларнинг миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришдаги ролини янада оширишга хизмат қилади.

<p>Ш.Олтаев</p> <p>Вопросы эффективного управления суверенными фондами в цифровой экономике</p> <p>Аннотация. В данной статье с научно-теоретической и практической точек зрения анализируются вопросы эффективного управления суверенными фондами в цифровой экономике. Исследование освещает роль суверенных фондов в мировой финансовой системе, их значение как антикризисного инструмента и их роль в устойчивом развитии национальной экономики. Также обосновываются основные принципы организации и управления суверенными фондами, правила формирования и использования фондов, разработка инвестиционных стратегий и механизмы обеспечения эффективности управления. На основе анализа передового зарубежного опыта раскрывается важность обеспечения оптимального соотношения риска и доходности, принципов прозрачности и социальной ответственности в управлении суверенными фондами.</p> <p>Ключевые слова: цифровая экономика, суверенные фонды, государственные инвестиции, финансовый рынок, инвестиционная стратегия, риск и доходность, прозрачность, социальная ответственность.</p>	<p>Sh.Oltaev</p> <p>Issues of effective management of sovereign funds in the digital economy</p> <p>Abstract. In this article, the issues of effective management of sovereign funds in the digital economy are analyzed from a scientific-theoretical and practical point of view. The study highlights the role of sovereign funds in the world financial system, their importance as an anti-crisis tool, and their role in the sustainable development of the national economy. Also, the main principles used in the organization and management of sovereign funds, the rules for the formation and use of funds, the development of investment strategies, and the mechanisms for ensuring the efficiency of management are justified. Based on the analysis of advanced foreign experience, the importance of ensuring the optimal ratio between risk and profitability, transparency and social responsibility principles in the management of sovereign funds is revealed.</p> <p>Keywords: digital economy, sovereign funds, public investment, financial market, investment strategy, risk and return, transparency, social responsibility.</p>
--	---

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining, 28.01.2022 yildagi “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son Farmoni
2. Fotak, V., Gao, X., Megginson, W.L., 2017. A Financial Force to be Reckoned With? An Overview of Sovereign Wealth Funds. The Oxford Handbook of Sovereign Wealth Funds, p. 16

3. Jumaniyozov, I. T. (2021). The Progressive Foreign Experiments in the Activity of Sovereign Wealth Funds. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 109-116.

4. Jumaniyozov, I. (2018). Impact of Development Finance Institutions on Economic Growth: Implications for Reconstruction and Development Fund of Uzbekistan. *International Journal of Management Science and Business Administration*, 4(2), 84-88.

Jumaniyozov, I. (2020). Issues of ensuring the transparency of sovereign wealth funds. *International Finance and Accounting*, 2020(5), 1.

Madina Sanjar qizi Khotamkulova – PhD student, Samarkand Institute of Economics and Service

CORPORATE EFFICIENCY AS A FINANCIAL MARKET PARTICIPANT

Abstract. This paper develops a theoretical and analytical framework for determining the efficiency of companies as participants in financial markets. Departing from aggregate market-level conceptions of efficiency, we focus on the corporate participant as the unit of analysis and examine the conditions under which a firm operates efficiently across three interrelated dimensions: informational, operational, and allocative. Drawing on agency theory, transaction cost economics, disclosure theory, and behavioral corporate finance, we construct a multi-criteria model of Corporate Financial Market Participant Efficiency (CFMPE).

Keywords: corporate efficiency, financial market participation, agency theory, informational asymmetry, governance quality.

Introduction. The efficiency of financial markets has traditionally been examined at the aggregate level, with the Efficient market hypothesis (EMH) providing the dominant theoretical lens for over five decades. In this tradition, efficiency is understood as a property of market prices rather than a property of the individual participants who generate and respond to those prices.

The distinction matters for several reasons. Corporate actors are not passive price-takers; they are active participants who raise capital, manage financial risk exposures, disclose value-relevant information, and make strategic investment decisions, all of which shape the informational and allocative environment of the market. The efficiency with which firms execute these functions varies systematically across organizations and over time, generating observable differences in financing costs, capital allocation quality, and risk-adjusted performance.

Literature review. The EMH in strong forms treats efficiency as a property of the price mechanism (Fama, 1991). The adaptive markets hypothesis (Lo, 2004) advances a participant-level perspective by modeling market actors as evolving agents, but remains primarily concerned with aggregate market dynamics. Our framework takes the further step of placing the individual corporate participant at the center of the efficiency analysis.

We define Corporate financial market participant efficiency (CFMPE) as the composite capacity of a firm to: (i) process and disclose value-relevant information in a timely and accurate manner — the Informational efficiency dimension (IED); (ii) execute financial transactions at minimum feasible cost and market impact the Operational efficiency dimension (OED); and (iii) allocate acquired financial resources to highest-value internal uses, maximizing risk-adjusted returns the allocative efficiency dimension (AED). These dimensions are analytically distinct but structurally interdependent: informational efficiency conditions allocative quality, while operational efficiency mediates capital deployment.

Williamson (1988) establishes that financing instrument choice and financial contract structure are governed by transaction cost minimization. Firms with high operational efficiency select instruments that minimize adverse selection premia, maintain relationships that reduce search costs, and structure market operations to minimize price impact.

Myers and Majluf (1984) establish that information asymmetry imposes a systematic under-investment cost and a pecking order in financing preferences. Verrecchia (2001) shows that voluntary disclosure equilibria depend on proprietary costs, litigation risk, and the firm's

ISSN 2091-5187

☞ “SERVIS” ☞

Jurnal Samarqand iqtisodiyot va servis instituti tahririyat
bo‘limida nashrga tayyorlandi.

06.03.2026 yilda terishga berildi. 19.03.2026 yilda bosishga ruxsat etildi. Ofset
bosma qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84_{1/8}. “Times” garniturasini. Ofset bosma usuli.
Shartli bosma tabog‘i 15,4. Hisob-nashriyot
tabog‘i 14,37. Adadi 100 nusxa. Buyurtma № 0031A/26

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining
matbaa bo‘limida chop etildi.
Litsenziya № 025316.
Reestr № X-119112.

Manzil: Samarqand shahri, Shoxruh ko‘chasi, 60-uy.

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2026.